

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МЕҲМОНОВ СУЛТОНАЛИ УМАРАЛИЕВИЧ

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ
АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Меҳмонов Султонали Умаралиевич

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит
методологиясини такомиллаштириш..... 3

Меҳмонов Султонали Умаралиевич

Совершенствование методологии бухгалтерского учета и
внутреннего аудита в бюджетных организациях 37

Mehmonov Sultonali Umaralievich

Improvement of accounting and internal audit methodologies in budget
organizations..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МЕҲМОНОВ СУЛТОНАЛИ УМАРАЛИЕВИЧ

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ
АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2017.4.DSc/Iqt.123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Каримов Акром Аббасович Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Каримов Нейматулла Фатхуллаевич Иқтисодиёт фанлари доктори Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович Иқтисодиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Х.П.Абулкасимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.в.б, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Ж.Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит бўйича умумқабул қилинган нормалар халқаро стандартлар билан белгиланган. Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш жараёнида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит фаолиятини ушбу нормаларга мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини янада оширмоқда. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий асослари Халқаро валюта жамғармасининг Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланмаси ва бошқа тегишли халқаро ҳисоб стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Халқаро амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, халқаро стандартлар асосида шакллантирилган молиявий ҳисоботлар ахборот имкониятларининг юқорилиги ҳамда фойдаланувчилар учун аҳамиятлилиги билан фарқланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Давлат секторида бухгалтерия халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш натижасида юқори сифатли молиявий ҳисоботлар давлат сектори фаолияти натижаларини баҳолашга катта имкониятлар яратди, ахборотларнинг шаффофлигини янада оширишига эришилди. Шунингдек ички аудит хизмати молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш ва бюджет - смета интизомини мустаҳкамлашда асосий заруриятга айланмоқда. Ички аудиторларнинг халқаро институти ички аудитни ташкилот манфатлари учун унинг фаолиятини баҳоловчи мустақил фаолият сифатида таърифлайди.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш белгиланган¹. Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар асосан бюджет ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар ҳисобига амалга оширилади. Бундай маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ва улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантириш эса уларда бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этиш асосида амалга оширилади. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ бюджет ҳисобининг стандартлари қабул қилиниши белгиланган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли) «Ҳисоб сиёсати»да бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни очиб бериш тартиби белгилаб берилган. Бугунги кунда бюджет ташкилоти сифатида фаолият юритаётган таълим ва тиббиёт муассасаларида ички аудит хизмати ҳам йўлга қўйилмоқди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон //www.lex.uz

Халқаро ҳисоб ва аудит стандартларига асосан дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ислоҳ этиш жараёнлари амалга оширилган. Бу йўналишда Европанинг кўпгина мамлакатлари Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига асосан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини жорий қилган. Хорижий мамлакатларда давлат секторида ички аудит хизмати ягона миллий стандартларига асосан ваколатли орган томонидан амалга оширилмоқда ва давлат харажатларининг молиявий назоратида аудит хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Ички аудиторларнинг халқаро институти томонидан қабул қилинган Ички аудит халқаро стандартлари талаблари асосида мамлакатларда ички аудит хизмати амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 26 декабр 2013 йилдаги ЎРҚ-360-сон «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 август 2017 йилдаги ПҚ-3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829 - сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишининг ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Дунёда давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш бўйича бир нечта илмий тадқиқот марказлари ва институтлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, American Institute of Certified Public Accountants(AICPA), Center for Accounting Research and Technology (АҚШ), Institute for Public Sector Accounting Research (IPSAR) (Шотландия), Public Expenditure Management Peer Assisted Learning (PEMPAL), International Financial Reporting Standards of Board (IFRSB), The Institute of Internal Auditors (IIA), Stanford University, (АҚШ), University of Cambridge, Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия), Тошкент молия институти томонидан олиб борилмоқда.

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар бўйича қатор

илмий натижаларга эришилган. Жумладан: давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг услублари ва тамойиллари ишлаб чиқилган (Institute for Public Sector Accounting Research (IPSAR) (Шотландия)); давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит хизматининг молиявий ҳисоботларга таъсири таҳлил қилинган (American Institute of Certified Public Accountants (AICPA)); Ички аудитнинг жорий этилиши харажатларни камайтиришга олиб келиши аниқланган (Public Expenditure Management Peer Assisted Learning (PEMPAL)); Ички аудит хизматининг жорий этилиши ташқи аудитнинг иш ҳажмини камайтириши ва натижада аудит ўтказиш бўйича умумий харажатларнинг камайиши ўртасида тўғри боғлиқлик мавжудлиги исботланган (University of California, АҚШ); ташкилотларда назорат тизимининг тўғри шакллантирилиши даромад ошишига олиб келиши исботланган (Stanford University, АҚШ).

Дунё миқёсида давлат секторида ҳисоб ва ички аудитнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мамлакатларда давлат сектори бухгалтерия ҳисобини халқаро ҳисоб стандартларига мослаштириш; давлат секторида ҳисоблаш усулидаги ҳисоб стандартларини қабул қилиш асосида молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш; давлат харажатлари молиявий назоратида ички аудит хизматидан кенг фойдаланиш; ички аудит текшируви ҳамда молиявий назоратни замон талаблари асосида ривожлантириб бориш; ҳисоб юритиш ва ички аудитни самарали қўллаш асосида ташкилотларда харажатларни қисқартиришга эришиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуни тадқиқ этиш юзасидан хорижий ва мамлакатимиз олимларининг бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг назарий ва методологик асослари, шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий асарлар мавжуд. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Роман Жонс, Маурис Пендлебии, Стефен Ж. Гаузер, Тжерк Буддинг, Гиусеппе Гросси, Давид Р.Хансон², Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иқтисодчиларидан А.С.Мухина, В.В.Башкатов, В.Ю.Покусаев, Е.В. Анфёрова, В.А.Грекова, Л.В.Гусарова³ кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикаимиз иқтисодчи олимлари А.К.Ибрагимов,

² Rowan Jones and Maurice Pendlebury. Public sector accounting. Pearson Education Limited.2010. 162 p. <http://www.pearsoned.co.uk/>, Stephen J. Gauthier Governmental Accounting, Auditing, and Financial Reporting (GAAFR) (e-book). 2012. 902 p., Tjerk Budding, Giuseppe Grossi, Torbjörn Tagesson. Public sector accounting. Routledge – 2015. 178 p., David R. Hancox. Government Performance Audit in Action - 4th Edition. CIA, CGFM. 2014. 160 p.

³ А.С.Мухина.Становление и развитие внутреннего аудита//Образование.Наука.Научные кадры. 2013 №4. с.151-156., В.В.Башкатов., В.Ю.Покусаев Особенности бухгалтерского учета в бюджетных учреждениях. //Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения . Выпуск № 13 / 2014 с 76-83., Е.В.Анфёрова. В.А.Грекова. Внедрение внутреннего аудита в бюджетных организациях//Nauka-rastudent.ru – 2017. №5(041), Л.В.Гусарова. Организация внутреннего аудита в некоммерческих организациях.// Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. М.:2012. 32-37 с.

Б.Б.Сугирбаев., Э.Т.Одилов, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, И.Н.Қўзиев Н.Ф.Каримов, Ш.В.Ғаниев, Б.К.Ҳамдамов, М. Останакулов⁴ кабиларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг назарий-методологик масалалари яхлит тадқиқ қилинмаган. Хусусан, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг назарий-методологик таъминоти, амалиётдаги ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари алоҳида илмий тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Бирлашган миллатлар ташкилотининг ривожлантириш дастури доирасидаги «Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ этиш» лойиҳаси, ҳамда А-2-20 - сонли «Аудит текширувида расмийлаштириладиган ишчи ҳужжатлар тўпламини яратиш» мавзусидаги 2015-2017 йилларга мўлжалланган илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит муаммоларининг ечимига қаратилган назарий-методологик асослари ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштиришда халқаро ҳисоб ва аудит стандартларидан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича илмий - услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁴ К.Б. Ахмеджанов Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш Дис. автореф. ... икт. фан. д-ри. – Т., 2016., А.К. Ибрагимов., Б.Б. Сугирбаев Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. infoCOM.Uz МЧЖ. Т.: 2010. 192 б. Ш.В. Ғаниев. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) автореф. ... икт. фан. ном.–Т., 2008., Э.Т.Одилов Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Икт. фан.номзоди автореф.–Т.: 2012. – 28 б., Б.К.Ҳамдамов Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф.–Т.: 2007.–33 б, Н.Ф. Каримов Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф.–Т.: 2007.– 36 б., Р.Д. Дустмуратов Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2007. – 276 б., М.Останакулов. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 480 б., Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.

молиявий ҳисобот ахборот имкониятларини кенгайтириш мақсадидан келиб чиқиб, ҳисобот шакллари тузилиши ва кўрсаткичлари, уларни акс эттириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бюджет ташкилотларида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тузилмаси ва услубиётини ишлаб чиқиш ;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия объектлари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг ташкилий услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти этиб мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишнинг илмий-назарий, амалий ҳамда методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик ва жараёнларини илмий билишнинг назарий ва эмпирик методлари - умумлаштириш, гуруҳлаш, мантикий ва қиёсий таҳлил методлари, абстракт-мантикий фикрлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилмасини шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос бюджет ташкилотлари счётлар режасига тасарруфида қолдирилган маблағлар ҳисобига ўзгартиришлар киритилиши асосланган ҳамда ишчи счётлар режасини реструктуризациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослаштириш асосида ҳисоб объектларини тан олиш, баҳолаш ва улар бўйича ахборотлар шаффофлигини таъминлаш белгилаб берилган;

биринчи марта бюджет ташкилотларида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби фаолиятини таркибий тузилмаси ҳамда уларда ҳисоб юритишнинг ташкилий-методологик асослари шакллантирилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисобот шакллари тузилиши ва улардаги кўрсаткичларни бирламчи ҳисоб ҳужжатлар ҳамда регистрларига мувофиқлигини назорат қилиш тизими такомиллаштирилган;

илк бор бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкилий-услубий асослари шакллантирилган ҳамда самарали амалга ошириш бўйича методологик ёндашувлар илмий жиҳатдан асосланган;

бюджет ташкилотларида ички аудит ишчи ҳужжатлари ҳамда ҳисоботини шакллантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотлари ҳисоб сиёсатини ташкилий – услубий шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос бюджет ташкилотлари счётлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш асослаб берилган ҳамда ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган;

бюджет ташкилотларида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби фаолиятининг ташкилий, ҳамда услубий жиҳатлари шакллантирилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини шакллантириш ва уларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш йўллари кўрсатиб берилган;

бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг ташкилий – услубий асослари ишлаб чиқилган ва ички аудит самарадорлигини ошириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий маълумотларидан фойдаланилгани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг назарий-методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда мавзуга мос махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит хизматини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган бюджет ҳисоби стандартлари ва ички аудитга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилмаси бўйича таклифлари, бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий, техник ҳамда услубий жиҳатлари бўйича методологик ёндашувлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг (2016 йил 12 декабрдаги 91-сон) буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати» ни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги АК/03-04-08/569-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳисоб сиёсатини

танлаш ва ўзгартиришлар киритиш мезонларини, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни очиб бериш тартибини белгилаб беришга хизмат қилган;

бюджет ташкилотларида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларидан фойдаланиш асосида ҳисоб объектларини тан олиш, баҳолаш ва улар бўйича ахборотлар шаффофлигини таъминлаш йўллари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Бирлашган миллатлар ташкилотининг ривожлантириш дастури доирасидаги «Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ этиш» лойиҳаси доирасида Бюджет ҳисоби стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистонда Бирлашган миллатлар ташкилоти ривожлантириш дастури «Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ этиш» лойиҳасининг 2018 йил 5 февралдаги BSR/01/02/18/20 –сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш натижасида ҳисоб объектларини тан олиш, баҳолаш ва улар бўйича ахборотларни очиб бериш тартибини белгилаб беришга хизмат қилган;

марказлаштирилган бухгалтерия фаолиятини ташкил этиш методологияси ҳамда бухгалтерия хизматининг ташкилий тузилмаси бўйича таклифлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий, техник ҳамда услубий жиҳатлари юзасидан ёндашувлар бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг (2017 йил 31 октябрдаги 346-сон) буйруғи билан тасдиқланган «Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисида Низом» ҳамда ички аудит хизмати фаолиятини режалаштириш, ички аудитни амалга ошириш босқичлари ва ички аудит ҳисоботларини шакллантириш бўйича таклифлари, ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг (2017 йил 20 декабрдаги 391-сон) буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати тўғрисида вақтинчалик намунавий Низом»ни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 январдаги 02-01/2-1-207-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобини шунингдек ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини ташкил этиш ва уларда бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит услубиётини шакллантиришга хизмат қилган;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларида бухгалтерия объектлари ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг методологик жиҳатлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг (2017 йил 13 декабрдаги 37-сон) буйруғи билан тасдиқланган «Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари

тўғрисида Низом», ҳамда ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш методологияси, ички аудит хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг (2017 йил 11 декабрдаги 32-сон) буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат хизмати тўғрисида вақтинчалик намунавий Низом»ни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 17 январдаги 04-113 - сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш туман (шахар) мактабгача таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ҳамда ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини ташкил этиш ва уларда бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини шакллантиришга хизмат қилган;

академик лицейлар учун ўқув лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий-техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳисоби, олий таълим муассасалари томонидан ўқув-лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари бириктирилган академик лицейга бериш ҳамда ҳисобдан чиқариш ҳисоби бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг (2017 йил 2 майдаги 270-сон) буйруғи билан тасдиқланган «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига бириктирилган академик лицейлар учун ўқув лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш, академик лицейга бериш ва ҳисобдан чиқариш бўйича Тартиб» ни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 15 июндаги 87-04-689 -сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш олий таълим муассасасида ўқув лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳисобини юритишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 11 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизими, халқаро ҳисоб стандартларининг аҳамияти, шунингдек ички аудитнинг назарий методологик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Маълумки, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар асосан бюджет ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўладиган молиявий ресурслар ажратиш ҳисобига амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари давлат функциялари (таълим, соғлиқни сақлаш, муҳофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа ташқи иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифалар)ни бажариш учун ташкил этилган хўжалик субъекти бўлиб, улар ўз фаолиятини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ билан таъминланади. Ҳозирги кунда, мамлакатимизда фаолият юритаётган бюджет ташкилотларининг асосий қисми ижтимоий соҳага ва унинг таркибида таълимга тўғри келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантиришга давлат бюджети маблағларининг асосий қисми йўналтирилаётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Давлат бюджети харажатлари таркибида таълимга йўналтирилган маблағларнинг улуши 1990 йилда жами харажатнинг 17.9 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 33.8 фоизга ошгани давлат томонидан таълимга катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради (1 -жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатлари таркибида таълимнинг улуши⁵

№	Кўрсаткичлар номи	йиллар кесимида (млрд.сўм)						
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	Таълим	4464,1	5582,9	7 130,40	8803,3	10673,5	12 162,2	13831,7
2	Соғлиқни сақлаш	1716,5	2226,7	3 024,90	3709,9	4507,2	5 218,5	5 811,6
3	Маданият ва спорт	154,5	185,3	223,4	287,4	361,5	387,5	460,6
4	Фан	81,3	108,8	137,4	164,7	187	216,7	238,2
5	Ижтимоий таъминот	58,2	72,2	86,9	106,4	126,2	147,5	161,1
6	Ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари	1312,5	1378,4	1617,20	1611,3	1805	2 102,6	2 043,2
7	Жами ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	7787,1	9554,3	12220,20	14683	17660,4	20 235,0	22546,4
8	Давлат бюджети харажатлари жами	13386,9	16726	20882	25825,9	31425,4	36 257,3	40911,3
9	Давлат бюджети харажатлари таркибида таълимнинг улуши (фоизда)	33,3	33,3	34,1	34,1	33,9	33,5	33,8

Бу маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ва улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантирилиши уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асосида амалга оширилади. Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда бюджет ва смета-штат интизомини мустаҳкамлаш жараёни хусусиятларидан келиб чиқиб бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши «бухгалтерия ҳисоби» категорияси ўрнида «бюджет ҳисоби» категорияси қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси» га асосан бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби юритилиши белгиланган. Яъни, «бухгалтерия ҳисоби» категорияси ўрнида «бюджет ҳисоби» категорияси қўлланилиши назарда тутилган. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби деб номланишига қатор олимлар томонидан изоҳлар берилган. Жумладан, Т.Г.Шешукова, К.В.Разуваевалар томонидан бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби деб номланишини бюджет ижроси билан боғлиқлиги, бюджет таснифининг ҳисобда қўлланилиши билан изоҳлайди. Шунингдек,

⁵ <http://www.stat.uz> сайти маълумотлари асосида тузилган

бюджет ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоби тушунчаларининг қўлланилиши ҳисобни юритиш хусусиятларида ҳам маълум фарқланишлар мавжудлиги таъкидланган⁶.

Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бюджет жараёни ҳисобининг таркиби бўлиб смета харажатларни тузиш, ижросини ва назоратини ташкил этишда активлар ва мажбуриятлар ҳолати ва уларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи операциялар ҳақидаги ахборотларни рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этишнинг тартиблаштирилган тизими сифатида изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар, аввало, бюджет ташкилотининг мулкчилик асосига, давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш принципларига ва бошқа бир қатор омилларга бевосита боғлиқдир.

Мазкур асосий омилларни умумлаштириб қуйидагича тақдим этиш мумкин (1 - расм):

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобидан кўпгина фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу бўйича бир неча жиҳатларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу жиҳатларнинг баъзилари қуйида келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Бюджет ташкилотлари ва тижорат субъектларида бухгалтерия ҳисобининг қиёсий тавсифи⁷

Қиёсий мезонлар	Бюджет ташкилотларида	Тижорат субъектларида
Ҳисобнинг номланиши	Бюджет ҳисоби	Бухгалтерия ҳисоби
Ҳисоб юритишдан мақсад	Сметалар ижросига оид бухгалтерия ахборотларини шакллантириш	Уставда белгиланган фаолиятларни амалга оширилиши юзасидан бухгалтерия ахборотларини шакллантириш
Маблағлар манбалари	Бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар
Бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари	УзАСБО дастурий таъминот	Турли автоматлаштирилган дастурий таъминотлар ёки ҳисоб юритиш шакллари
Счётларнинг туркумланиши	Актив, пассив, актив-пассив	Актив, пассив, контрактив, контрпассив, транзит
Бухгалтерия баланси таркиби ва тузилмаси	Номолиявий активлар, молиявий активлар, дебиторлар, кредиторлар, молиявий натижалар	Узоқ муддатли активлар, жорий активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар
Пул маблағлари ҳисобининг юритилиши	Ягона ғазна ҳисобварағида	Хизмат кўрсатувчи банклардаги ҳисобварақларида
Молиявий натижа	Ижобий ёки салбий, жорий йилга ҳамда якуний молиявий натижалар	Фойда ёки зарар, тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар

⁶ Шешукова Т.Г., Разуваева К.В. О применении понятий «бюджетный учет» и «бухгалтерский учет» в бюджетных учреждениях. vestnik.osu.ru/2011_5/14.pdf

⁷ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини 4 даражага ажратиш таклиф этилди. 1-даражада келтирилган қонуний ҳужжатлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Қолган 2-4 даражада келтирилган ҳужжатлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услубий асоси бўлиб ҳисобланади.



1-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг алоҳида хусусиятларини белгиловчи омиллар.⁸

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (IPSAS) – давлат сектори ташкилотларида (давлат иштирокидаги тижорат корхоналаридан ташқари) юқори сифатда жаҳон стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича халқаро миқёсда умумқабул қилинган қоидалардир. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бутун жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларининг мувофиқлашуви ва ахборот имкониятлари янада яхшиланишида муҳим рол ўйнади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли) «Ҳисоб сиёсати» қабул қилинди.

Мазкур Стандартнинг мақсади ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартиришлар киритиш мезонларини, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни очиб бериш тартибини белгилаб беришдан иборат.

⁸ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики мамлакатимизда молиявий назоратни такомиллаштириш жараёнида ички аудит хизматини шакллантириш асосий заруриятга айланмоқда. Ички аудит ўзининг замонавий ривожланиш йўлидаги роли операцион босқичдан стратегик босқичга кўтарилмоқда.

Ички аудит тушунчасига соҳа олимларининг илмий ишланмаларида келтирилган манбалар таҳлилидан келиб чиқиб мавжуд ёндашувлар тўрт туркумга ажратилди (2-расм).

Аксарият олимларнинг ёндашувларида ички аудит хизмати ташкилот фаолиятини самарали бошқаришни таъминлашга қаратилган назорат, мустақил баҳоловчи эксперт ва масалаҳат берувчи тизим эканлиги баён қилинган.

Айрим олимларни ишланмаларида эса ички аудит тушунчасига умумий ёндашувлар баён қилинган. Жумладан давлат сектори ва тижорат сектори ташкилотларига хос методологик ва ташкилий-меъёрий хусусиятлар очиб берилмаган. Бизнингча, юқоридаги ёндашувларни эътироф этган ҳолда, ушбу хусусиятларни ифодалаш учун бюджет ташкилотлари ички аудитини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ «Ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш, бюджет - смета интизомига риоя қилиш, маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир».

Шундай қилиб, бюджет ташкилотларининг ички аудит хизмати ташкилот ички назорат тизимининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб ички назорат тизимининг барча бўғинлари (поғоналари) устидан самарали назоратни амалга оширишга ёрдам бериш учун мўлжалланган фаолият сифатида эътироф этилади.


Ички аудит хизмати ўз мақсадларига мувофиқ ҳолда бюджет ташкилотларида қуйидаги функцияларни бажариши лозим:

ички назорат тизими (давлат функциясини бажариш бўйича бюджет ташкилоти раҳбарияти ва ходимлари томонидан амалга ошириладиган операциялар натижаси ва давлат хизматини тақдим қилиш, ишончли ҳисоботлар билан таъминлаш ва қонунчилик ҳамда бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва регламентларга риоя қилиш) ни баҳолаш, аниқланган камчиликларни бартафар этиш бўйича тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш;

фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш;



2-расм. Ички аудит тушунчасига илмий ёндашувларнинг туркумланиши⁹

давлат молиявий назорати органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;

тузиладиган хўжалик шартномаларини қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда бухгалтерия ва режа-молия бўлимларига методик ёрдам бериш, уларга молия, бюджет-солиқ қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

меъёрий ҳужжатлар ва ички низомлар, ҳисобот бўйича қоидалар, шартнома мажбуриятлари, ҳисоб - китоб – тўлов интизомига амал қилишини, бюджет билан ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш, бирламчи ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартибига амал қилиниши ва аниқланган хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш ва бошқалар.

Юқоридагиларни умумлаштириб бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг функцияларини қуйидагича таснифлаш мумкин (3-расм).

Мамлакатимизда бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати тушунчасининг қўлланилиши 2008 йилдан бошлаб олий таълим муассасалари Намунавий штатлар жадвалида бухгалтерия бўлимларида бош бухгалтер ўринбосари-аудитор лавозими жорий этилиши билан боғлиқ. Бу лавозим киритилиши таълим муассасаларида ички аудит хизматига зарурият юқорилигидан келиб чиқади.

⁹ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.



3-расм. Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг функциялари.¹⁰

Бунда асосан ички аудит лавозим йўриқномаси ҳар бир олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиб, ички аудитор томонидан бажариладиган ишлар келтирилган. Бунда бир ҳолатни қайд этиш керакки, ички аудитор бухгалтерия бўлими таркибида бўлиши маълум даражада юқорида келтирилган мустақиллик принципнинг таъминланишида мунозарали ҳолатларни вужудга келтиради.


Диссертациянинг «**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобда Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг амалдаги ҳолати, бухгалтерия объектлари ҳисобини юритиш амалиёти, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва уларнинг ахборот имкониятлари тадқиқ этилган. Тадқиқотлар натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини амалий жиҳатлари очиб берилган ва мавжуд муаммолар аниқланган.

Ҳозирги кунда бюджет ташкилотларида ҳисобни юритишда кўпгина муаммоларнинг ечими ягона тартибда бухгалтерия ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини мужассамлаштирган ҳисоб сиёсатини шакллантиришга боғлиқ бўлмоқда. Ҳисоб сиёсати - белгиланган принципларга мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуидир.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини таркибий тузилиши қуйидагича бўлиши таклиф этилади (4-расм).

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини бош ҳисобчи раҳбарлигидаги бухгалтерия бўлими юритади.

¹⁰ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.



4-расм. Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши.¹¹

Ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида бухгалтерия ҳисобида номолиявий активлар, молиявий активлар, дебиторлар, кредиторлар, молиявий натижалар ҳисоб объектлари бўйича молиявий ахборотлар шакллантирилади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобининг алоҳида хусусияти уларни маблағлар манбалари бўйича алоҳида юритилишидир. Яъни, бюджет маблағлари ҳисобига қирим қилинган асосий воситалар, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига турлари бўйича қабул қилинган

¹¹ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

асосий воситалар ҳисобда ажратиб кўрсатилади. Чунки уларга ҳисобланган эскириш маблағлар турлари бўйича харажатларда акс эттирилади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби уларнинг келиб тушиши, ташкилот ичида жойдан-жойга ўтиши (кўчиши), ҳисобдан чиқарилиши (жумладан, яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли), шунингдек, ҳар бир объекти (буюм, комплект)нинг сақланиши ва тўғри фойдаланилиши устидан назорат қилинишининг ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаши керак.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобининг алоҳида хусусияти уларнинг балансга кирим қилиниш манбалари бўйича ҳисобда акс эттирилишидан иборат. Тадқиқот натижасида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз тасарруфидаги академик лицейларга сотиб олиб бериладиган асосий воситалар ва товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилди.

Бюджет ташкилотлари молиявий активларига ҳисобварақларидаги пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари, йўлдаги пул жўнатмалари, молиявий қўйилмалар жумладан, вақтинча депозитга қўйилган пул маблағлари ҳам киради. Бюджет ташкилотлари пул маблағлари ҳаракати молия органлари томонидан очилган (27 разряддан иборат) шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш натижаларини умумлаштириб қуйидагича тақдим этамиз(5-расм).

Шунингдек бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар ҳисоби ҳам алоҳида хусусиятларига эга ва уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:


1. юридик ва молиявий мажбуриятлар ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олиними;

2. товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномаларида олдиндан тўлов 15 фоиз миқдорда белгиланиши;

3. товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномалар суммаси 1000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача бўлса, харид товар(иш, хизмат)нинг нархи, сифати ва етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул шартларни таклиф этган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

4. товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномалар суммаси 1000 АҚШ долларида 100 минг АҚШ доллари эквиваленти тенг миқдоригача бўлса, идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан шартномалар тузиш;

5. молиявий мажбуриятларни ғазначилик бўлимлари томонидан тўлаб берилиши ва бошқалар.



5-расм. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобининг хусусиятлари.¹²


Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар деганда ташкилотнинг барча даромадлари (тушумлар, бюджет маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширилган касса харажатлари) ва ҳисобланган барча ҳақиқий харажатларнинг ўзаро солиштирилиши (айрилиши) натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қиймати тушунилади. Бюджет ташкилотининг молиявий натижалари 2 та босқичга бўлинган ҳолда аниқланади (6- расм).

1-босқичда бюджет ташкилотининг фақатгина молия йили мобайнидаги (1-январдан 31 декабргача, бюджет маблағлари бўйича эса, молия йилига қўшимча вақт мобайнидаги давр ҳам киради) барча даромадлари ва мазкур даврдаги (1-январдан 31 декабргача) амалга оширилган ҳақиқий харажатларни солиштириш натижасида аниқланади.

2-босқичда эса, мазкур аниқланган молиявий натижа бюджет ташкилотининг ўтган йиллар мобайнидаги молиявий натижасига қўшилади. Бунинг натижасида бюджет ташкилотининг жорий даврга бўлган якуний молиявий натижаси ҳосил бўлади.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг якунловчи босқичи бўлиб ахборотларни умумлаштириш ва тақдим этиш воситаси ҳисобланади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сметалар ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилади.

¹² Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.



6-расм. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар кўрсаткичлари.¹³

Маълумки, мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан «Бюджет кодекси» амалга киритилди. Ушбу кодекснинг 60 - моддасида бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси даромадлари шаклланиши манбаларига «белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар» банди талаби бўйича бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот шаклини қайтадан кўриб чиқиш талаб этилади.

Бюджет ташкилотларида солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисоботларда фақат балансдаги 285 - «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёт умумлашган ҳолда акс этирилмоқда. Лекин имтиёзлар бўйича тахлилий маълумотлар олиш имконияти йўқ. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида бюджет ташкилотларида солиқлар, бошқа

¹³ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

мажбурий тўловлар имтиёзлари ва улар ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича ҳисобот шакли ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг «**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари**» номли учинчи бобда бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар, бухгалтерия объектлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш, давлат секторида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибалари ва улардан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати» талабидан келиб чиқиб ҳозирги кунда талаб даражасида ҳисоб сиёсатини шакллантирган бюджет ташкилоти кузатилмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири - ҳисоб жараёнлари автоматлаштирилган дастурий таъминотда юритилишига кўпгина бухгалтерия хизматлари ходимлари мослашиб қолганлиги. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишга қўйиладиган тамойиллар, тартиб ва амалий ёндашувларни ўзида мужассам этган ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, фикримизча ҳисоб сиёсатига бюджет ташкилоти томонидан ташкил этилган бухгалтерия хизмати бўлимининг таркибий тузилмасини ҳам илова қилиб тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпгина бюджет ташкилотлари таркибий тузилмасида бухгалтерия бўлими киритилиб, штат бирлиги сони кўрсатилади, лекин бухгалтерия бўлимининг таркибий тузилмаси очиб берилмайди. Шу боис ҳисоб сиёсатида марказлаштирилган бухгалтерия хизматлари таркибий тузилмасини қуйидагича шакллантириш тавсия этилади (7-расм).


Тавсия этилган бухгалтерия хизмати таркибий тузилмасидаги лавозимлар бўйича алоҳида – алоҳида лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилиши ва уларда лавозимларга қўйиладиган талаблар, бажариладиган функция ва вазифалари, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ишчи счётлар режаси қўлланиладиган счётлар рўйхатидан иборат бўлиб ҳисоб сиёсатига илова қилинади.

Ҳисоб сиёсатининг муҳим элементи – ишчи счётлар режасини тузишда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича синтетик ва аналитик счётлар алоҳида ҳисобот маълумотларини шакллантиришга мос ҳолда белгилаб олиниши лозим. Шу мақсадда ишчи счётлар режасининг таркибини қуйидагича реструктуризация қилиш тавсия этилди (3-жадвал).

Асосий воситаларни бу тартибда ажратиш уларни балансга кирим қилиш манбаларини аниқлаш имконини беради ва уларга эскириш ҳисобланганда ҳақиқий харажатларда тўғри акс этирилишини таъминлайди.

Агар асосий восита бюджет маблағи ҳисобига кирим қилинган бўлса, унга ҳисобланган эскириш суммаси бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажат таркибида акс этирилиши лозим. Биз тавсия қилган ишчи счётларни реструктуризация қилиш тартиби албатта ҳисоб ахборотларини аниқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.



7-расм. Туман(шаҳар) халқ, мактабгача таълим бўлимларининг марказлаштирилган бухгалтерия хизматлари ташкилий тузилмаси.¹⁴

Юқорида келтирилган тартиб асосида қуйидаги счётлар бўйича ҳам ишчи счётлар режаси киритилиши тавсия этилади:

- 03 – Номоддий активлар;
- 06 – Материаллар;
- 15 – Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар;
- 16 – Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар;
- 17 – Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар;
- 285 – Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар.

Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар субсчётини қуйидагича бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади:

285/1 - Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича солиқ имтиёзлари;

285/2 - Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича солиқ имтиёзлари.

Амалдаги қонунчилик талабларига кўра бюджет ташкилотларида солиқ имтиёзлари ҳисобидан бўшаб қолган маблағлар асосан кредиторлик қарзларни тугатишга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган.

¹⁴ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

Шунингдек 090 синтетик субсчёт таркибида махсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўналишлари бўйича ҳам счётлар алоҳида белгиланиши мақсадга мувофиқ:

090/1 – Кўсатиладиган хизматлар харажатлари;

090/2 – Товар ишлаб чиқариш харажатлари.

3-жадвал

Бюджет ташкилотларида ишчи счётларни реструктуризация қилиш¹⁵

АМАЛДА		ТАКЛИФ	
Счёт №	Счёт номи	Счёт №	Счёт номи
01	Асосий воситалар	01/1	Асосий воситалар (бюджет маблағлари ҳисобига)
		01/2	Асосий воситалар (тўлов-контракт маблағлари ҳисобига)
		01/3	Асосий воситалар (ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига)
		01/4	Асосий воситалар (бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига)
02	Асосий воситалар эскириши	02/1	Асосий воситалар эскириши (бюджет маблағлари ҳисобига)
		02/2	Асосий воситалар эскириши (тўлов-контракт маблағлари ҳисобига)
		02/3	Асосий воситалар эскириши (ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига)
		02/4	Асосий воситалар эскириши (бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига)

Давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ислоҳ жараёнида қабул қилинган қонуний ҳужжатлар бюджет ташкилотлари бухгалтерия объектлари ҳисобини услубий асосларини ҳам такомиллаштириш имкониятини яратди. Лекин бухгалтерия ҳисоби амалиётида ечимини топиш зарур бўлган бир қанча масалалар мавжудлиги кузатилмоқда. Ушбу масалаларни батафсил баён қиламиз.

Маълумки, мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан «Бюджет кодекси» амалга киритилди. Ушбу кодекснинг 60-моддасида бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси даромадлари шаклланиши манбаларига «белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар» банди киритилган. Бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағларга асосий воситалар ёки материал қийматликларни сотишдан тушган тушумнинг қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилоти тасарруфида қолдириладиган қисми, активларни инвентарлаш натижасида аниқланган ошиқчаликлар ва бошқа шу каби маблағлар киритилади. Ҳозирги бухгалтерлик амалиётида юқорида келтирилган маблағлар тушуми юзасидан ҳисоб турли ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда. Жумладан асосий воситаларни сотишдан кўрилган ижобий молиявий натижа 272 – «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчёти кредит айланмасида акс


¹⁵ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.

этириш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига зид ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган тушумдан ишлаб чиқариш харажатлари чегирилгандан кейин қолган қисми ривожлантириш жамғармасига киритилиши белгиланган. Амалдаги тартибга кўра бюджет ташкилотларига очилган 4001 – «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағи»га товар(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган тушумлар киритилмоқда. Бизнингча бюджет ташкилотларига фаолият тури бўйича товар(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган тушумлар учун алоҳида 4014-«Тақсимланиши назарда тутилган шахсий ғазна ҳисобварағи» очилиши ва ушбу ҳисобварағдан ишлаб чиқариш харажатлари тўлаб берилиши ва маблағни қолган қисми белгиланган тартибда 4001 - Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади (8-расм).

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома» га мувофиқ счётлар режасида 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчёти киритилган. Амалдаги қонунчилик талаблари бўйича инвентаризация натижасида ортиқча чиққан моддий қийматликлар бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилиши белгиланган.

«Бюджет кодекси» нинг 60 – моддасида эса бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси даромадига киритилиши белгиланган. Лекин буни амалга ошириш учун «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома» нинг счётлар режасидаги 26 - счёт «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти таркибида алоҳида субсчёт кўзда тутилмаган.



8-расм. Сотишдан тушган тушумдан ишлаб чиқариш харажатлари чегирилгандан кейин қолган қисмини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тартиби.¹⁶

¹⁶ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

Шу боис бизнингча 26-счёт таркибида 263 – «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчёти киритилиши ва айти вақтда 27-счёт «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» таркибидаги 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчёти бекор қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисоби алоҳида ташкил этилади. Халқаро стандартларга мувофиқ номоддий активларга эскириш ҳисобланиши белгиланган. Лекин, амалдаги счётлар режасида номоддий активларнинг эскириши бўйича алоҳида счёт назарда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотлари счётлар режасига 035 «Номоддий активларни эскириши» счёти киритилиши тавсия этилади. Бу ҳисоб юритиш жараёнини шаффофлиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида баён қилинган таклиф ва тавсияларни қуйидагича тақдим этамиз (4- жадвал).

4- жадвал

Бюджет ташкилотларининг счётлар режасини такомиллаштириш бўйича таклифлар¹⁷

АМАЛДА		ТАКЛИФ	
Счёт №	Счёт номи	Счёт №	Счёт номи
273	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар		Бекор қилиш
		263	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар
		035	Номоддий активларга эскириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-3231-сон қарорига мувофиқ туман (шаҳар) халқ таълими, шунингдек туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этиш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишни ташкилий-услубий таъминлаш мақсадида диссертацияда бюджет ташкилотлари марказлаштирилган бухгалтерия хизматларида ҳисоб юритишнинг ташкилий тузилмаси таклиф этилди (9-расм). Шу асосда марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-методологик жиҳатлари такомиллаштирилди.

¹⁷ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.



9-расм. Бюджет ташкилотларида марказлаштирилган бухгалтерия хизматларида ҳисоб юритишнинг ташкилий тузилмаси.¹⁸

Мамлакатимизда давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантириш концепциясида Бюджет ҳисоби стандартлари қабул қилиниши белгиланган. Бу борадаги тадқиқот натижалари умумлаштирилиб халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослаштириш асосида ҳисоб объектларини тан олиш, баҳолаш ва улар бўйича ахборотлар шаффофлигини таъминлаш белгилаб берилди. Бунда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ахборотларни шакллантириш талабларини ўз ичига олган ҳисоб объектларига тегишлилиги бўйича Бюджет ҳисоби стандартларини шакллантириш таклиф этилди (5-жадвал).

¹⁸ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

**Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг айрим объектлари
бўйича тавсия этилган бюджет ҳисоби стандартлари қисқача
тавсифномаси¹⁹**

№	Бюджет ҳисоби стандарти номи	Қисқача тавсифномаси: мақсади ва мазмуни
1.	<p align="center">Хорижий валютада активлар ва мажбуриятларни акс эттириш ҳисоби</p> <p>(4-сонли Валюта курслари ўзгаришларини таъсири (The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уларни молиявий ҳисоботда очиб бериш тартибини белгилаш ҳисобланади.</p> <p>Мазкур БҲСда қайта баҳолаш ва курс фарқини белгилаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:</p> <p>а) ҳисобварақлардаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;</p> <p>б) чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;</p> <p>в) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредит ва заёмлар, лизинг мажбуриятлари;</p> <p>г) ижара (лизинг) тўловлари бўйича мажбуриятлар;</p> <p>д) лойиҳа грантлари маблағлари.</p>
2.	<p align="center">Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисоби</p> <p>27-сонли (Қишлоқ хўжалиги (Agriculture) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотларида қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисоби ахборотларини очиб бериш асосларини белгилаб беради.</p> <p>Ушбу стандартда қуйидаги объектларни ҳисобини ташкил этиш тартиби белгиланган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биологик актив – ҳайвон ва ўсимлик; - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғим вақтида. <p>Бюджет ташкилотлари биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисобда тан олиш мезонлари, баҳолаш ва ахборотларни очиб бериш тартиблари белгиланади</p>
3.	<p align="center">Товар-моддий захиралар ҳисоби</p> <p>(12-сонли Захиралар (Inventories) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотларига тегишли товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби услублари ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилаб беради.</p> <p>Товар-моддий захираларни таннархи (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи), сотишнинг соф қиймати бўйича баҳолаш, шунингдек, товар-моддий захиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш усуллар белгиланади.</p>
4.	<p align="center">Асосий воситалар ҳисоби</p> <p>(17-сонли Асосий воситалар (Property, Plant and Equipment) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисоби услубларини белгилаб беради</p> <p>Асосий воситаларни актив сифатида тан олиш мезонлари, баҳолаш, қайта баҳолаш, эскириш ҳисоблаш усуллари, молиявий ҳисоботда ахборотларни очиб бериш тартиблари белгиланади.</p>

¹⁹ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.

5.	<p>Бюджет ташкилотларида ижара ҳисоби</p> <p>(13-сонли Ижара (Leases) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг ягона услубий асосларини ва ижарага олувчи ва балансда сакловчи ўртасидаги молиявий ва оператив ижара муносабатларига оид ахборотларни очиб бериш тартибини белгилаб беради.</p>
6.	<p>Номоддий активлар</p> <p>(31-сонли Номоддий активлар (Intangible Assets) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотига тегишли бўлган номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш услубиятини белгилаш ҳисобланади. Номоддий активларни актив сифатида тан олиш мезонлари, баҳолаш, қайта баҳолаш, эскириш ҳисоблаш усуллари, молиявий ҳисоботда ахборотларни очиб бериш тартиблари белгиланади.</p>
7.	<p>Даромадлар ва мақсадли тушумлар</p> <p>(9-сонли Айирбошлаш операцияларидан тушумлар (Revenue from Exchange Transactions) 23-сонли Алмашувсиз муомалаларидан тушум(Солиқ ва трансфертлар) (Revenue from Non-Exchange Transactions (Taxes and Transfers)) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотига зиммасига юклатилган вазифани бажариш давомида товарлар(иш ва хизматлар)ни сотиш натижасида даромадлар, шунингдек мақсадли тушумларни ҳисоби услубиятини белгилаш ҳисобланади. Алмашув операцияларидан олинган даромадлар яъни товар(иш, хизматлар сотиш), активларни бошқа ташкилотларга беришдан олинган даромадларни тан олиш, алмашув операцияси деб ҳисобланмайдиган мақсадли тушумларни тан олиш мезонлари белгиланади.</p>
8.	<p>Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби</p> <p>(5-сонли Қарзлар бўйича сарфлар (Borrowing Costs) Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида)</p>	<p>Бюджет ташкилотига қарзлар бўйича харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиятини ва улар тўғрисида маълумотларни очиб беришни белгилаш ҳисобланади.</p> <p>Қарзлар бўйича харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <p>бюджет ссудаси билан боғлиқ фоизлар пенялар ва бошқа харажатлар;</p> <p>ижара стандартига мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий ижара ва ёки лизингга таллуқли тўловлар.</p>

Бюджет ҳисоби стандартларининг қабул қилиниши юқорида келтириб ўтилган масалалар ечимини таъминлайди ва пировардида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончлилигини янада оширади ҳамда ҳисоб юритишга ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг ташкилий - методологик жиҳатларини такомиллаштириш**» номли тўртинчи бобида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг

ташкилий-амалий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини кенг жорий қилинишининг зарурияти куйидагилар билан белгиланади:

1. Ҳисобни юритишда масъул ходимларни тегишли меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида етарлича хабардор эмаслиги, бухгалтерия бўлими ходимлари таркибининг тез-тез ўзгариб, янгиланиб туриши, яъни кадрлар қўнимсизлиги натижасида хатоликлар ҳамда молиявий тартиббузарликлар вужудга келиши;

2. Давлат молиявий назорати органлари (Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат солиқ хизмати органлари) томонидан режали текширувлар ўтказилганда маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш, молиявий камомадлар, бюджет интизомига риоя қилинмаслиги ҳолатларининг содир бўлиши;

3. Бюджет ташкилотларида ички молиявий назорат тизими фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги натижасида ҳисобни юритишда турли ёндашувлар ҳамда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги;

4. Бюджет ташкилотлари молия - хўжалик фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубларининг мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган муаммолар ечими бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг илмий-услубий ва ташкилий таъминотини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Шу ўринда такидлаш жоизки бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ички назорати кўп жиҳатдан ички аудит тизимини самарали ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Бу борадаги тадқиқот натижаларини умумлаштириб бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари шакллантирилди (10-расм).

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этишнинг услубий таъминотини ривожлантириш бўйича куйидаги тартиб(регламент)ларни ишлаб чиқиш тавсия этилди:

1. Ички аудит фаолиятини режалаштириш тартиби;
2. Ички аудит жараёнида далилларини олиш тартиби;
3. Ички аудитнинг иш ҳужжатларини шакллантириш тартиби;
4. Ички аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартиби.

Маълумки, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг асосий мақсади маблағларнинг мақсадли сарфланишини ҳамда фаолиятнинг натижадорлигини таъминлашга қаратилган.



10-расм. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўналишлари.²⁰


Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати иш ҳужжатларининг сони ва таркиби ўрганилаётган объектлар хусусиятидан келиб чиқиб ички аудиторлар томонидан шакллантирилади. Ички аудит иш ҳужжатлари бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари, сметалар ижроси ҳисоби ва назорати, молиявий ҳисоботлар бўйича алоҳида шакллантирилади. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида ички аудит иш ҳужжатлари намуналари ишлаб чиқилди ва тавсия этилди. Шунингдек бюджет ташкилотларида ички аудит натижаларини умумлаштириш, хулосалар ва тавсиялар шакллантириш алгоритми тузилди.(11-расм).

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўлга қўйилгандан кейин молиявий қоидабузарликларнинг камайиш кўрсаткичлари (миқдор ва қиймати);
- ички аудит тавсияларининг бажарилиши ҳисобига бюджет харажатларининг тежалиши;

²⁰ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

- бюджет ташкилоти зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг ижобий натижалари.



11-расм. Ички аудит хулоса ва тавсияларини шакллантириш алгоритми²¹.

Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ички аудит хизмати ходимларининг малака даражасига боғлиқ бўлади. Шу боис тадқиқотда бюджет ташкилотлари ички аудит хизматининг ходимларига қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилди.

Ушбу малака талабларида бюджет-смета интизомини билиши, бу борада тажрибага эга бўлиши ва узлуксиз малака оширишдан ўтиши касб мезонлар асос қилиб белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини кенг жорий қилиниши натижасида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш даражаси ва фаолият натижадорлиги янада ошади.

ХУЛОСА

1. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишнинг хусусиятлари, шунингдек уларни Халқаро ҳисоб ва аудит стандартларида белгиланган талаблар даражасида такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асосланди ва улар молиявий ҳисоботлар ахборот имкониятларини кенгайтиришга ҳамда фойдаланувчилар учун аҳамиятлилигини оширишга хизмат қилади. Жахон амалиётида ички аудит хизматининг аҳамияти давлат харажатларининг молиявий назоратини таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан белгиланади.

2. Илмий-тадқиқот ишларида ички аудит тушунчасини қўллашда бюджет ташкилотларини хусусиятлари алоҳида ажратилмаган. Мавжуд илмий ёндашувлар назарий-услубий шарҳи ва амалиёти ўрганилиб ички аудитнинг бюджет ташкилотларига хос муаллифлик таърифи шакллантирилди: «ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат

²¹ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси

қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлаш, бюджет - смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир».

3. Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, фаразлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуи бўлиб, ҳисоб амалиётидаги мавжуд муаммоларни илмий-услубий ҳамда амалий ечимларини таъминлашга хизмат қилади.

4. Давлат молиясини бошқаришни ҳуқуқий асосларининг ислоҳ этиш жараёнида бюджет ташкилотлари счётлари таркиби ҳамда молиявий ҳисоботларини ахборот имкониятларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мослаштиришни талаб этади. Бу бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни шакллантиришни тартибга солувчи услубий қоидаларни норматив-ҳуқуқий асосларга мувофиқлаштириш тартибида амалга оширилади.

5. Марказлаштирилган бухгалтерия хизматида ҳисоб юритиш методологиясини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш бюджет маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишга, хизмат кўрсатилаётган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, уларни замонавий ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлашга, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

6. Тадқиқот жараёнида амалдаги қонуний ҳужжатларга мослаштириш бўйича счётлар режасининг 26, 27 - счётларига ўзгартириш киритиш ҳамда ишчи счётлар режасини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида ҳисоб маълумотларини шакллантиришга мослаштириш бўйича 01, 02, 03, 06, 09, 15, 16, 17, 28 – ишчи счётларини реструктуризация қилиш таклифи ишлаб чиқилди ва бу молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ишончлилиги ҳамда шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

7. Тадқиқот натижасида олий таълим муассасалари томонидан бириктирилган академик лицейлар учун ўқув лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ва уларни академ лицейга бериш ҳамда балансдан чиқариш ҳисобини юритиш тартиби ишлаб чиқилди. Бу тартибни жорий қилиниши олий таълим муассасалари ҳамда академ лицейларда моддий қийматликлар ҳисобини юритишда мавжуд муаммоларни илмий-амалий ечимини таъминламоқда.

8. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг ишончлилигини таҳлил қилиш услуби шакллантирилди ҳамда қонунчилик талабларига мос молиявий ҳисобот шаклларига ўзгартириш киритиш, шунингдек солиқ имтиёзлари бўйича ҳисобот шакли таклиф этилди.

9. Тадқиқот натижасида Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларидан мамлакатимиз бюджет ҳисоби стандартларини шакллан-

тириш, ҳисоб юритишни тўлиқ ҳисоблаш усулига мослаштириш, молиявий ҳисобот ахборот имкониятларини кенгайтиришда фойдаланиш йўллари белгиланди.

10. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти маблағлар сарфини режалаштириш, улар сарфи ҳисобини юритиш ҳамда фаолият самарадорлиги ҳолатини ўрганишга қаратилиши билан белгиланди. Бу ўз навбатида ички аудитни бюджет ташкилотлари фаолиятини тўлиқ қамраб олинишини таъминлайди.

11. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари белгилаб берилди, ҳамда ички аудит хизмати ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва сертификатлаш тартиби таклиф этилди.

Шунингдек ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши давлат молиясини ислоҳ этиш жараёнида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш концепцияси, ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc. 27.06.2017.1.17.01
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

МЕХМОНОВ СУЛТОНАЛИ УМАРАЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ БУХГАЛТЕРСКОГО
УЧЕТА И ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В БЮДЖЕТНЫХ
ОРГАНИЗАЦИЯХ**

08.00.08. – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc.) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.4. DSc/Iqt123.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте

Автореферат диссертации на трех языках (узб., рус., англ. (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный консультант:

Каримов Акром Аббасович
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Пардаев Мамаюнус Каршибоевич
доктор экономических наук, профессор

Каримов Нематулла Фатхуллаевич
доктор экономических наук

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
доктор экономических наук

Ведущая организация:

Налоговая академия, Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc. 27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, д. 60 А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2018 г.).

Н. Х. Хайдаров

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

Х. П. Абулкасимов

Вр.и.о ученого секретаря Научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

А. Ж. Туйчиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации

В мировой практике общепринятые нормы по бухгалтерскому учету и внутреннему аудиту определены международными стандартами. В процессе реформирования управления государственными финансами особое внимание уделяется к приведению деятельности бухгалтерского учета и внутреннего аудита в бюджетных организаций в соответствие этим нормам. Осуществляемые на сегодняшний день реформы в бюджетной системе ещё больше повышают место и значение бухгалтерского учета в бюджетных организациях. Методологические основы ведения бухгалтерского учета в бюджетных организациях совершенствуются на основе требований Руководства по статистике государственных финансов Международного валютного фонда и других соответствующих международных стандартов учета. Опыты международной практики показывают, что финансовые отчеты, сформированные на основе международных стандартов, отличаются высокими информационными возможностями и значимостью для пользователей. Высококачественные финансовые отчеты, составленные в результате реформирования бухгалтерского учета на основе международных стандартов в государственном секторе многих стран мира дали большие возможности оценить результаты деятельности государственного сектора и повышения прозрачности информации. Также служба внутреннего аудита становится основной необходимостью при обеспечении достоверности сведений финансовых отчетов и укрепления бюджетно-сметной дисциплины. Международный институт внутренних аудиторов характеризует внутренний аудит как независимую деятельность, оценивающей деятельность организации её интересов.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определено обеспечение сбалансированности Государственного бюджета на всех уровнях с сохранением социальной направленности расходов.¹ Средства, выделяемые из Государственного бюджета, будут осуществляться, в основном, за счет финансовых ресурсов, необходимых для выполнения задач, возложенных на бюджетные организации. Обеспечение целевого и рационального использования этих средств и формирование соответствующей информации по ним будет осуществляться на основе организации бухгалтерского учета и внутреннего аудита. Согласно концепции совершенствования системы бухгалтерского учета и отчетности в государственном секторе определено принятие стандартов бюджетного учета. В настоящее время в Стандарте бюджетного учета Республики Узбекистан (СБУ N 1) «Учетная политика» определен порядок составления финансовой отчетности, раскрытия информации об изменениях в учетной политике в бюджетных организациях. Сегодня организовывается служба внутреннего аудита в образовательных и

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // www.Lex.uz

медицинских учреждениях, осуществляющих деятельность в качестве бюджетных организаций.

Во многих странах мира осуществлены процессы реформирования бухгалтерского учета и внутреннего аудита на основе международных стандартов учета и аудита. В этом направлении многие европейские страны на основе международных стандартов бухгалтерского учета внедрили национальные стандарты бухгалтерского учета в государственном секторе. В государственном секторе зарубежных стран внутренний аудит осуществляется полномочным органом на основе единых национальных стандартов, и для финансового контроля государственных расходов широко пользуются услугами аудиторской службы. Во многих странах внутренняя аудиторская служба осуществляется на основе требований международных стандартов внутреннего аудита, принятых международным институтом внутреннего аудита.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Законе Республики Узбекистан от 26 декабря 2013 года № ЗРУ-360 «Об утверждении Бюджетного кодекса Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2017 г. № ПП-3231 «О дальнейшем совершенствовании механизма финансирования образовательных и медицинских учреждений и системы государственного финансового контроля», от 14 марта 2017 г. № ПП-2829 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования» и в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики», а также в рамке проекта ИТД-2 - «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации Вопросы совершенствования бухгалтерского учета и внутреннего аудита в государственном секторе исследуются несколькими научно-исследовательскими центрами и институтами мира. В частности, American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Center for Accounting Research and Technology (CIRA), Institute for Public Sector Accounting Research (IPSAR) Шотландия, Public Expenditure Management Peer Assisted Learning (PEMPAL), International Financial Reporting Standards of Board (IFRSB), The Institute of Internal Auditors (IIA), Stanford University (США), University of

Cambridge (Англия), Финансовым университетом при Правительстве Российской Федерации, Ташкентским финансовым институтом.

По исследованиям совершенствования методологии бухгалтерского учета и внутреннего аудита в государственном секторе достигнуты ряд научных результатов. В том числе: разработаны методы и принципы бухгалтерского учета в государственном секторе (Institute for Public Sector Accounting Research (Шотландия); проанализировано влияние бухгалтерского учета и внутреннего аудита на финансовую отчетность в государственном секторе (American Institute of Certified Public Accountants); выявлено, что внедрение внутреннего аудита приводит к уменьшению расходов (Public Expenditure Management Peer Assisted Learning); доказано существование прямой зависимости между внедрением службы внутреннего аудита, уменьшением объема работ внешнего аудита и в результате сокращением общих расходов аудита (University of California, США), доказано, что правильное формирование системы контроля в организациях приводит к повышению доходов (Stanford University, США).

В мировом масштабе по совершенствованию методологических основ учета и внутреннего аудита в государственном секторе проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям: приведение бухгалтерского учета государственного сектора в соответствие с международными учетными стандартами; расширение информационной возможности финансовой отчетности на основе принятия стандартов учета в методологии учета в государственном секторе; широкое использование службы внутреннего аудита при финансовом контроле государственных расходов; развитие внутреннего аудита и финансового контроля на основе современных требований; на основе эффективного применения ведения учета и внутреннего аудита достижение уменьшения расходов в организациях.

Степень изученности проблемы. По исследованию данной темы существуют научные работы зарубежных и отечественных ученых по теоретическим и методологическим основам бухгалтерского учета и внутреннего аудита в бюджетных организациях, а также проблемам использования международных стандартов.

Теоретические и практические стороны организации бухгалтерского учета и внутреннего аудита рассмотрены в научных работах зарубежных ученых, таких как Роман Жонс, Маурис Пендлеви, Стефен Ж. Гаузер, Тжерк Буддинг, Гиусеппе Гросси, Давид Р. Хансон², экономистов стран Содружества независимых государств: А. С. Мухиной, В. Башкатова, В. Ю. Покусаева, Е. В. Анферовой, В. А. Грековой, Л. В. Гусаровой³.

² Rowan Jones and Maurice Pendlebury. Public sector accounting. Pearson Education Limited.2010. 162 p. <http://www.pearsoned.co.uk/>, Stephen J. Gauthier Governmental Accounting, Auditing, and Financial Reporting (GAAFR) (e-book). 2012. 902 p., Tjerk Budding, Giuseppe Grossi, Torbjörn Tagesson. Public sector accounting. Routledge – 2015. 178 p., David R. Hancox. Government Performance Audit in Action - 4th Edition. CIA, CGFM. 2014. 160 p.

